

---

## БАҒДОД ТУМАНИДА ЯНГИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ҲАМДА 330 ЎРИНЛИ МАКТАБ БИНОЛАРИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Бағдод тумани марказидан 15 км. узоқликда жойлашган Навбахор қишлоғида янги 120 ўринли мактабгача таълим ташкилоти биноти фойдаланишга топширилди. Эътиборлиси, Смета баҳоси 5,5 млрд. сўмга баҳоланган ушбу муассаса инвестицион дастурларсиз, қишлоқ аҳолисининг ҳамжиҳатлиги, ташаббускорлиги, тадбиркорларнинг ҳомийлиги ҳамда туман раҳбарларининг қўллаб-қувватлаши, ҳудуд жойлашган сектор раҳбари – туман прокурори Акмалжон Ҳасановнинг сайъ-ҳаракатлари натижасида ҳашар йўли билан бунёд этилди.

Очилиш маросимида иштирок этган Президент маслаҳатчиси Шуҳрат Ғаниев, вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров, аҳолининг бирдамлиги, ҳамжиҳатлиги асосида мана шундай кўплаб хайрли ишларни амалга ошириш мумкинлигига эътибор қаратдилар.

Шунингдек, бугун туманнинг Ирғоли қишлоғида 330 ўринли янги, 62-мактаб биноти ҳам тантанали тадбир билан фойдаланишга топширилди.

“Ташаббусли бюджет” дастури доирасида ажратилган 900 млн. сўм маблағ ҳисобига мактаб биноти қуриб битказилди. Вилоят ҳоқими томонидан вилоят маҳаллий бюджетининг орттириб бажарилган қисмидан ажратилган 1,5 млрд. сўм маблағ ҳисобига мактабга 9мх18м ҳажмдаги замонавий спорт зали ҳам қуриб берилди. Мактаб учун туман маҳаллий бюджетининг орттириб бажарилган қисмидан ҳам 360 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

Авваллари қишлоқ ёшлари шу ҳудуддаги 30-мактабнинг филиалида бошланғич таълимни олишгач, юқори синфларда ўқиш учун ҳар куни 2-3 км. пиёда йўл босиб, қўшни қишлоқдаги мактабга қатнашган. Бу эса улар ва ота-оналар учун ноқулайликлар туғдирар эди. Шунинг учун ҳам янги бинонинг иш бошлаши қишлоқ аҳлини севинтирди.

Президент маслаҳатчиси Шуҳрат Ғаниев ва вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров мактаб бинотини ва синфхоналарни кўздан кечирдилар, ўқувчилар ва мактаб жамоаси билан суҳбатлашдилар.

---

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2024-02-02 20:59:21